



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 4-fevral • Payshanba • 15 (30.135) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!



ЎзХДП Марказий Кенгашида

## Бўлажак раҳбарлар

билан учрашув



Абдували ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларидан бир гуруҳи билан партияимиз Марказий Кенгашида учрашув бўлиб ўтди. Партия етакчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Латиф Фуломов бўлажак раҳбарларга мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, бу жараёнда ХДПнинг ўрни, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини ошириш жараёнлари, партияимиз гојлари, дастурий мақсадлари, яқинда бўлиб ўтган сайловлар якуни ва эришилган натижалар ҳақида тўхтади. Марказий Кенгаш раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг мафкуравий фаолияти, партия тизимида ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқуви, ахборот-ресурс марказлари тўғрисида гапириб берди.


2-бет >>>

Муносабат

## Ўзбек автомобилсозлигида янги қадам

Президентимиз Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 2010 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлисида Наманган шаҳрида энгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод барпо этилганини таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай инвестицион муҳит мамлакатимизда қўшма корхоналарнинг сафи кенгайиб, иқтисодий ҳаётимиздаги улуғ ортиб боришида, экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноатни маҳаллийлаштириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.



Жумладан, 2009 йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган бизнинг автомобиль фаралари чироқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «UzChasys» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонамиз Марказий Осиёда ягона бўлиб, Ўзбекистон автомобиллари учун ўн саккиз турдаги замонавий ёритиш мосламалари ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш салоҳиятига эга. Низом жамғармаимизнинг 30 фоизи корреялик шерикларимиз ҳиссасига тўғри келади. Корхонамиз юқори аниқ-

ликдаги полимер қуйиш, ультрабинафша ишлов бериш, вакуумли муҳитда алюминлаш ишларини бажарадиган энг илғор технологик линиялар билан жиҳозланган. Шунингдек, цехларимизга тайёр маҳсулот сифатини текшириш, фара ва чироқларнинг тўғри йиғилганлиги ва герметиклигини синаш, фотометриклари билан ўлчамлаш имкониятларини берадиган замонавий дастгоҳлар ҳам ўрна-тилган.

2-бет >>>

## Янги иш ўрни ва Янги имкониятлар

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажара бориб, ўтган йили нафақат глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига бардош бердик, балки мамлакатда ҳар соҳада сезиларли ижтимоий ва иқтисодий юксалишга эришилди. Бу янги иш ўринлари яратишда ҳам яққол кўзга ташланади. Агар дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида иқтисодий инқироз таъсирида миллионлаб иш ўрни қисқартирилган бўлса, бизнинг вилоятда 2009 йил энг кўп иш ўрни яратилган йил бўлиб қолди.

2-бет >>>

Самарқанд шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 60 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 3 мингта яқин бўш иш ўринлари таклиф қилинди.

### Меҳнат ярмаркаси

— Ўтган йили Самарқанд шаҳридаги мавжуд касб-хунар коллежларини 10 мингдан ортиқ ўғил-қиз битириб чиққан ва уларнинг қарийб 90 фоизи эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланган эди, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Жамшед Ҳороқов. — Жорий йилда 11 мингта яқин ёшлар касб-хунар коллежларини битиради. Уларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида ҳар ойда бандлик бўйича меҳнат ярмаркаларини ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Йил бўйи вилоят миқёсида 90 мингдан ортиқ, шаҳарда 13 минг 600 нафар янги иш ўринлари барпо этиш режалаштирилган. — Мен Самарқанд агротадбиркорлик касб-хунар коллежини тугатдим, — дейди Мавсума Қурбонова. — Меҳнат ярмаркасида қатнашиб, ўзим таълим олган коллежга ишга жойлашдим. Жорий йил илк маротаба ўтказилган ярмарка орқали 100 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Абдували ХУДОЁРОВ

## Топ манфаатларни эмас

Марказий Осиёнинг кўп миллионли халқлари тақдирини ўйлаш керак

Минг йиллар давомида Марказий Осиё минтақасидаги халқлар бир тану бир жон бўлиб, аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Биз бир-биримизнинг қувончу қайғу-мизга шерик халқларимиз. Аммо кейинги йилларда минтақадаги айрим давлатлар раҳбарларининг қўшни мамлакатлар манфаатлари, хавфсизлиги ва тақдирини, экологик вазиятни ҳисобга олмасдан қилаётган хатти-ҳаракатлари кишини ўйга толдиради.

Мамлакатимиз Бош вазирининг куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган Тожикистон Республикаси Бош вазирига Роғун ГЭСи қурилиши юзасидан қилган мурожаати Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида чуқур ўрганиб чиқилди. Ва биз унда кўтарилган фикрларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Аввало, шунини таъкидлаш керакки, ушбу мурожаатнинг моҳиятида, замирида нафақат бизнинг мамлакатимиз аҳолисининг, балки Амударё хавзасида, бутун Марказий Осиё давлатларида яшаётган халқларнинг, умуман, ушбу минтақадаги миллионлаб одамларнинг манфаати ётибди. Шунингдек, экологик мувозанат, ичимлик ва сугориш сувларининг миқдорига, техноген хусусиятга эга таҳдидлар, кучли zilzila хавфидан ҳимояланиш масаласи ҳақида гап бораётти. Иккинчидан, Роғун ГЭСидан улкан иншоотларни барпо этишдан аввал, улар келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган оқибатларни ҳолис ва малакали баҳолаш, мустақил экспертизадан ўтказиш талаб этилади. Мурожаатда эътиборга олиш зарур бўлган масалалар, хусусан, трансгеаравий очик сув оқимлари, дарёларни муҳофаза қилиш ҳамда

Одамлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами бундан азият чекмоқда. Бугунги кунда Орол фожияси нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун инсониятнинг муаммосига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Орол кулфати табиатга нисбатан зўравонларча муносабатда бўлиш оқибатини кўрсатиб қолмай, сув ресурсларидан фойдаланиш ва бу борадаги мураккаб муаммоларга юзакни ёндашиш мумкин эмаслигини огоҳлантиради. Демак, минтақада экологик мувозанат жуда омонат экани ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Ушбу масала бўйича ҳолис қарорга келиш учун соғлом фикр талаб этилади. Шу билан бирга, бу ерлар сейсмик хавф юқори бўлган ҳудуд эканини, вайронгарчиликка олиб келувчи zilzilaлар тез-тез содир бўлиб туришини ҳам унутмаслик зарур. Агар кучли zilzila рўй бериб, тўғон вайрон бўлса, оқибатда одамлар қурбон бўлса, ерларни сув босса, бунинг учун ким жавоб беради?! Мазкур ишга Россиянинг қатор лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ташкилотлари жалб этилганлиги кишида кўплаб саволларни тугдиради... Назаримизда, ушбу қурилиш қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги уларни мутлақо қизиқтирмаяпти. Мазкур лойиҳа нечоғли асосли экани, у келтириши мумкин бўлган барча оқибатларни, жумладан экология, сув мувозанати масалалари, техноген фалокатлар хавфини ҳолис баҳолайдиган мустақил экспертиза ўтказиш масаласи бўйича Тожикистон ҳукумати оқилона қарор қабул қилади, деган умиддамиз. **Анвар БОЙҚУЛОВ,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКISTON — ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛ ШЕРИК» 2

6 СОАТЛИК МЕХНАТ УЧУН 3

ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ 4



# БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисада прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2009 йилдаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар алоҳида ишлаб чиқилган Дастур асосида олиб борилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Ингилишда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, фуқароларни, айниқса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ҳамда бюрократия ҳолатларини

аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилганлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Ҳайъат мажлисида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлигини сақлаш ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқларнинг кафолатлинишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Бу ҳолатда нозоратни янада кучайтиришнинг зарур чораларини кўриш топирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўрни яратишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ижроси устидан нозоратни кучайтириш борасида прокурорлар олдида қатъий талаблар қўйилди.

Шу каби, тўлов интизомини мустақамлаш, банклар ва нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга оид қонунлар ижроси устидан нозоратни кучайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлан-

тиришни жалаллаштириш дастури ижроси устидан прокурор нозоратини таъминлаш вазифалари қатъий қилиб қўйилди.

2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган давлат Дастури ижросини, шунингдек, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, таълим-тарбиясига оид қонунчилик ижросини алоҳида нозоратга олиш талаб этилди.

Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан нозоратни таъминлашда, шу жумладан Бош прокуратура ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан суриштирув ҳаракатларини олиб бориш, яшрин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилинди, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келинган.

Шунга қарамадан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган.

Мажлисада жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, тежор-қилиувчи фаолияти устидан нозоратни янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имконият-

ларидан кенг фойдаланиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, тергов сифатини яхшилаш чораларини кўриш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисада жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини судларда кўришда прокурор ваколатини таъминлашдаги камчиликлар қайд қилиниб, уларни бартараф этиш ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Республика Бош прокурори томонидан вилоят прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ва тегишли тармоқ раҳбарлари олдида қонунлар ижроси устидан таъсирчан нозоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама яқунларига кўра, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

Потсдамда бўлиб ўтган янги тариф бўйича келишув музокараларининг иккинчи босқичи барбод бўлгач, Германияда давлат хизматчиларининг иш ташлаши бошланди. Мамлакат хизмат кўрсатиш соҳаси бирлашган қасаба уюшмалари раиси Франк Бзирске бу ҳақда баёнот берди.

## Давлат хизматчилари

### иш ташлади

«DPA» АА маълум қилишича, қасаба уюшмалари маошлар оширилишини, ишлаб чиқариш шароитларининг яхшиланишини, профессионалик даражаси ўсиши учун кенг имкониятлар яратиш берилишини талаб қилмоқда.

Федерал маъмуриятлар эса бунинг учун бюджет маблағлари етишмаслигини рўқча қилмоқда. Ички ишлар вазири Томас де Мазьернинг айтишича, оғир иқтисодий рецессия жараёнини бошидан кечириётган Германияда бу талабларни бажаришнинг имкони йўқ.

Норозилик акцияси жамоат транспорти хизматини, касалхона ва болалар боғчаларини, қариялар уйлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасаларини қамраб олган. Мюнхенда кўча супурувчилар ва чиқинди ташувчилар ҳам бу акцияга қўшилишган. Бавария ва Баден-Вюртемберг иш ташловчилар сони

## Хорижда



кўплиги билан ажралиб турибди. Қасаба уюшмалари билан ҳукумат вакиллари ўртасида анчадан бери давом этаётган, лекин яқунини топмаётган янги тариф бўйича музокараларнинг учинчи босқичи 10 февралда бўлиб ўтади. Қасаба уюшмалари 2 миллионга яқин давлат хизматчиларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

## Тил билмаган

### жаримага тортилади

Латвия Ички ишлар вазирлиги полиция ходимларининг давлат тилини қай даражада билиши ёки билмаслигини текшириш жараёнини янада қатъийлаштирмоқчи. Бунга яқинда фуқаролардан тушган арз сабаб бўлди.



Унда ёзилишича, айрим полиция ходимлари ўз она тилини яхши билмайдилар.

Ички ишлар вазирининг айтишича, давлат тилини яхши билмаган ходим одамларга тўлақонли ёрдам кўрсата олмайди, терговни сифатли олиб боришда, яъни гувоҳлар кўрсатмаларини яхши тушунамайди, ўзлари эса шахсий фикрларини одамларга етарлича тушунтириб беришмайди, бу ҳам етмагандек, ҳужжатлаштириш ишларини сифатли бажаролмайди. Демак, тил билмаганларга маҳкамада ўрин йўқ. Шунинг учун ҳам текширув қатъий тартибда олиб борилади. Латви тилини яхши билмаганларга нисбатан эса маъмурий чора кўрилади.

«DELFI» АА хабарига қараганда, Латвияда ҳар бир мутахассислик вакили давлат тилини яхши билиши шарт. Буни текшириб борадиган маҳсу тизим яратилган. Улар тил бўйича инспекторлардир.

## 6 соатлик меҳнат учун

### 5 доллардан ҳақ тўланмоқда

Гаити пойтахти Порт-о-Пренсинг зилзила оқибатида юзга келган вайроналардан тозалаш ишларига БМТ вакиллари ҳам астойдил ҳисса қўшмоқдалар.



БМТнинг Ривожланиш дастури айна дама «Меҳнатни пулга айирбошлаш» шiori остида иш олиб бормоқда. Улар мазкур шiorга мувофиқ 32 минг гаитиликни шахарни вайроналардан тозалаш ишларига жалб этди. Яқин кунларда уларнинг сони юз мингдан ортиб кетади.

Меҳнатга жалб этилганларнинг ҳар бирига 6 соатлик иш учун 5 доллардан ҳақ тўланмоқда. Ҳозир донор мамлакатлардан тушган маблағ ҳисобига этик, курак, чиқинди ташини аравачалари, кўлқоп ва бошқа анжомлар сотиб олинмоқда.

Табиий офатдан жабр кўрганларга озик-овқат ва ичимлик сувлари тарқатиш ишлари билан фақат аёллар шуғулланмоқда. Негаки, БМТнинг Жаҳон озик-овқат дастури вакиллари айнан шуни хоҳлашмоқда. Уларнинг таъкидлашича, аёллар бу ишларни эркакларга қараганда инсоф билан яхши удалайдилар, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили сифатида тарихга кирган 2009 йилда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда муносиб иштирок этди. Айниқса, жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини бартараф қилиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар қилинди.

# Аниқ мақсад — муваффақият гарови



Агросаноат мажмуини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келатган «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилоят бошқармаси жамоаси ҳам бу ишларга муносиб ҳисса қўшди. Аниқ стратегик режа асосида фаолият юритаётган жамоа асосий эътиборни банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизациялашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳамда соҳа корхоналари моддий-техник шароитларини яхшилашга қаратди.

ган бўлсак, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2009 йил яқунлари бўйича белгиланган вазифалар бажарилди.

Жумладан, банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустақамлаш мақсадида унинг капиталлашувини ошириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида банкнинг умумий капитали ўтган йилга нисбатан 1,9 миллиард сўмни, активлари 168,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 125 фоизни, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиги 95,9 миллиард сўмни ташкил этди.

2009 йил давомида банк филиаллари томонидан халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига жами 134 миллиард 522 миллион сўм кредитлар ажратилди, жумладан, 30 миллиард 355 миллион сўми узок мuddатли инвестициялардир. Инвестицион кредит портфели қолдиги 2009 йил якуни бўйича 59 миллиард 146 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Банк филиаллари томонидан 2009 йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида жами

даги асосий тамойилларидир. Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида «Банк — мижоз» дастури кенг қўлланилмоқда. Бунинг натижасида мижозлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда банк бошқармаси кенг доирадаги мижозлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида 2009 йилда иссиқхоналар ташкил этиш, уларни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича тузилган дастурга асосан банк филиаллари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга 791 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун эса банк филиаллари томонидан ҳўжалик субъектларига 897 миллион сўм миқдорда кредит берилди.

Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилда 1897 та кам таъминланган оилага 1 миллиард 653 миллион сўм кредит ажратилдики, бу 2008 йилга нисбатан 737,2 миллион сўм кўддир.

Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 4 миллиард 97 миллион сўм, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида эса жами 2 миллиард 423 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Банк томонидан 2009 йилда қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда қўллаб-қув-

## Иқтисод ва ислохот



ватлаш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан жами 4 миллиард 650 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, балиқчиликни ривожлантиришга 155 миллион сўм, асаларчиликни ривожлантиришга 100 миллион сўм, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун 960 миллион сўм, шахсий томорқаларда боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш учун 1 миллиард 376 миллион сўм, мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун 308 миллион сўм, савдо дўконларини куриш, таъмирлаш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 921 миллион сўм, трактор ва комбайнлар сотиб олиш учун 5 миллиард 965 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Банк томонидан иқтисодий ноҳор корхоналардан «Бағдод парранда АЖ» 1 миллиард 438 миллион сўмга, «Кўнчи МЧЖ» 2 миллиард 482 миллион сўмга сотиб олинди ва ҳозир бу ерда қайта реконструкциялаш ҳамда ишлаб чиқаришни соғломлаштириш мақсадида «Бағдод парранда АЖ» ўрнига «WHITE CHICKENS» корхонаси ташкил этилди. Ҳамда у ерга 500 миллион сўмдан ортиқ инвестиция киритиш режалаштирилган. Шунингдек, «Кўнчи МЧЖ» ўрнига «PREMIUM LEATHER» корхонаси очилиб, бу ерда ҳам ҳозир қайта реконструкция ҳамда ишлаб чиқаришни соғломлаштириш мақсадида 3 миллиард АҚШ доллар миқдорда инвестиция киритиш ишлари олиб боришмоқда.

Банк филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига жорий йилда жами манбалар ҳисобидан 13 миллиард 51 миллион сўмлик кредит ажратилдики, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 миллиард 855 миллион сўмга кўпдир.

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир фармо-

Шоҳайдор МИРҲАБИВОВ, Мирбаҳтиёр МИРҲАЙИЗОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

Навоийхонлик

Исроф қилиш — сахийлик эмас



Алишер Навоий «Маҳ-бубул-қулуб» асариди са-ховат масаласига махсун ўрин ажратаркан, уни мана қандай сўзларида таърифлайди: «Саховат — инсоният боғининг

ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир Саховат ода-мийлик мулкнинг мавж уриб турган денгизидир, балки у тўлқинли денгиз-нинг бебаҳо гавҳаридир». Мана шунинг учун ҳам асрлар мобайнида сахий одамлар улугланиб ке-линг. Уларси «инсо-ният боғининг» файзи ва

ҳосилдорлигини тасаввур этиш мумкин бўлмаган. Сахий зотлар бор экан, «одамийлик мулки» «бе-баҳо гавҳар»ларига эга-дир. Навоий сахий киши-нинг кадр-қимматини ер-дан кўкка олиб чиқади. «Уни хирмон-хирмон дон ҳосили балки хазина бе-ради»ган «булут»га қиб-лайди. Бахл эса бунинг

тескараси. Бахлнинг ташвиши доимо олмоқ ва йиғмоқдир. Навоий бахл-ларни «дон-дун, машоқ-теради»ган чумоли билан тенг кўради. Лекин шунги ҳам таъкидлаш лозимки, исрофгарчилик, ҳалол то-пилган молни мақтан-чоқлик учун хайру эҳсон этишларни шоир сахий-лик ҳисобламайди.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Тинчлигимиз қалқонлари

Мамлакатимиз Куролли Кучларида ўтказилаётган ислохотлар боис ҳарбий хизматнинг нуфузи, аскар ва сержантларга эътибор тобора ошмоқда. Энди ҳамма ҳам муддатли ҳарбий хизматга чақирилавер-майди. Чунки, миллий армиямизда профессионал-лашув жараёни кечмоқда. Хизмат қилишни хоҳлов-чи талабгорлар кўп. Йигитлар сараланиб, таъбир жоиз бўлса, минг чиғириқдан ўтгач, танлов асоси-да армияга олинапти.



Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидла-нидек, вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафиди хизмат қилиш ўз Конституци-он бурчини шунчаки адо этишдан ибор-ат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли ишга айланди.

фуқаролар йигинида яшаймиз, — дей-ди Нурмуҳаммад Деҳқонбоев. — Катта ўғлим Фарруҳ ҳарбий бурчини ўтаган. Ҳозир у ички ишлар бўлимида хизмат қилапти. Мана, бугун укаси Шоҳруҳ армияга кетаяпти. Мен бундан хурсанд-ман.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктидамиз. Бу ерда чақирилувчиларни қўшинларга тантанали жўнатиш тадбири бўлиб ўтмоқда.

— Жияним Шоҳруҳни тантана билан армияга кузатаймиз, — дея гапга қўшилди Пардабой Умрзоқов. — Бир гапни айтиш. Йигит киши учун армия жуда катта ҳаёт мактаби. Жияним тенг-дошлари ичидан танланиб ҳарбий хиз-матга олинишининг ўзи биз учун катта бахт.

Атрофга назар ташлаймиз. Ҳамманинг юз-қузида қувонч. Ҳамма байрам кай-фиятида. Бирин-кетин ҳарбий хизмат-чиларга эсдалик совғалари топирил-ди. Тантанали катнашчилари ва ҳарбий хизматчиларга байрам дастурхони таш-кил этилди.

Ийгин пунктида чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари билан бўлган мулоқотимиздан шу нарса маъ-лум бўлдики, ҳарбий хизмат нафақат бурч, айни пайтда олий шарафга ай-ланган.

Кимдир фарзандини, укасини, жия-нини кузатиш учун бу ерга келган. Улар-нинг айримлари билан суҳбатлашдик. — Биз Оққўрғон туманининг «Зафар»

Равшан ШОДИЕВ Суратда: чақирилувчиларни ҳарбий хизматга кузатиш тадбиридан лавҳа.

Ҳазал

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Оғча борқим, кабба байрон бўлса обод айлағай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса, Андин ортуқ англақим, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳарқимки бир сўз дер тугаммастин бурун, Истарамқим аввалидан ёна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлғумдур, бу наво эрмиш сазо, Ул кишигақим бирова ўзни муътод айлағай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнаҳуму бир оҳ ила, Сарсари ишқинг этиб борини барбод айлағай.

Шайхдин зўрди ридий қасб ўлур, ёраб ҳани, Дайр тириким, фано расмиги иршод айлағай?

Одам авлодида камдур одамми шебаси, Одам эрмас улки майли одамизод айлағай.

Не балодурқим, фалак чекса тиши кейин жонимва, Енглаб аввал менинг жонимга бедод айлағай.

Беша ичра девлар мақтули бўлсун, эй пари, Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай.

СПОРТ

Ўзбекистон футбол федерацияси қарорига мувофиқ, мамлакат XIX миллий чемпионати олий лигасида ўн тўртта жамоа медаллар учун кураш олиб боради. Куръага кўра, янги мавсум баҳслари 13 март куни бошланади.



Футбол: мавсум тараддуди

Жамоалардаги ўзгаришлар

Етакчи жамоаларимиз «Бунёд-кор», «Пахтакор» ҳамда «Насаф» футболчилари Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги учрашу-ларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Шу боис, бу жамоалар-нинг янги мавсум ҳозирлиги кўпчилигининг диққат марказида турибди.

Виктор Кумиков шогирдлари 24 февраль куни Байрутда «Ал-Аҳад» футболчиларига қарши ОФК кубоги гуруҳ баҳсларининг илк учра-шувини ўтказишади. Режага кўра, «Насаф» жамоаси охириги тайёргарлик босқичини 8 фев-раль — 3 март кунлари Туркия-нинг Анталия шаҳрида ташкил этади.

ОФК кубоги баҳсларида илк ма-ротаба иштирок этадиган Қарши-нинг «Насаф» жамоаси аъзолари ўтган йилнинг 13 декабридан ўқув-машғулот йигинини бошлаш-ганди. Дастлабки икки босқични пойтахтимизда ташкил этган қар-шиликлар, январь ойида Бирлаш-ган Араб Амирликларига сафар қилди.

Янги мавсум арафасида мам-лакатимизнинг амалдаги чемпи-они «Бунёдкор» жамоаси тарки-бида ҳам катта ўзгаришлар амал-га оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилги Осиё чемпионлар ли-гасида голиб чиққан Жанубий Ко-реянинг «Поханг Стилерс» жамо-аси шарафини ҳимоя қилган бра-зилиялик Денильсон, сербиялик Стивица Ристичлар айни пайтда тошкентликлар сафиди машғу-лотларда иштирок этаётир. Шу-нингдек, моҳир ҳимоячи Анзур Исмоилов («Пахтакор»), ярим ҳимоячи Александр Ковалёв («Металлург»)лар ҳам бу йилги мавсумда «Бунёдкор» либосида майдонга чиқишади.

«Хозиргача тўртта босқичда машғулотлар уюштирилди, — дей-ди жамоа бош мураббий Вик-тор Кумиков. — Йиғинга қирк на-фарга яқин футболчи жалб қилин-ди. Аввалига Тошкентда Муборак-нинг «Машъал», Тошкентнинг «Спартак», «Локомотив», «Бунёд-кор», «Пахтакор» жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтқа-зилди. Шунингдек, Шаржада ўтган йигин мобайнида Украина-нинг «Металлист» (Харьков) фут-болчилари билан назорат ўйини-да майдонга тушдик. Ана шу уч-рашувларда мураббийларда илик таассурот қолдирган туркмени-стонлик Дидар Ҳожиев, украинли-к Дмитрий Козаченколар бил-ан шартномалар тузилди. Шу-нингдек, ўтган мавсумда бошқа маҳаллий жамоаларда тўп сурган Ислам Иномов («Андижон»), Бо-тир Қодиркулов («Машъал»)лар янги мавсумда «Насаф» таркиби-да майдонга тушадиган бўлдилар.

«Пахтакор» жамоасида эса чер-ногориялик мутахассис Миодраг Радловић бош мураббий сифа-тида иш бошлаганидан хабарин-да, айни чоғда Туркияда машғу-лотлар ўтказётган пахтакорчилар таркибида бир қатор янги ўйин-чилар иштирок этмоқда. Хориж-лик Лякуттуш Януш, маҳаллий клубларимиздан Муқимжон Тош-матов («Сўғдиёна»), Артур Гевор-кян («Шўртан»), Аскар Жадигеров-лар шулар жумласидандир.

Эркин ХОЛБОБО


«Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улғуржи база-контра раҳбарияти ва жамоаси «Ўзнармобил» уюшмаси Бошқа-рув райиси Искандар Отахоновга волидай муҳтарамаси Озода Ҳожи онанинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳам-дардлик билдиради.

Бўстон шаҳри Эллиққалъа туманининг марказидир. Унинг қиёфаси йил сайин ўзгармоқда. Янги иморатлар, уй-жойлар, замонавий корхоналар қурилмоқда. Шулардан бири — «Элтекс» тўқимачилик мажмуи. Унинг базасида «Медикал-Коттон интернейшл LTD» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси, пахта тозалаш заводи, ип йиғирув, тўқимачилик, пардозлаш фабрикалари пайдо бўлди. «Эллиққалъа нефть маҳсулотлари базаси» унитар корхонаси ҳам туман иқтисодийётига катта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, «Навоий — Султон Увайтоғ — Нукус» темир йўли туман худудидан ўтгани нур устига нур бўлди. Бу иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳўжалигининг барча тизимини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар-да саноат, қурилиш, хусусан, ма-даний-маърифий соҳада катта ишлар қилинди. Аҳолини узлук-суз табиий газ ва тоза ичимлик суви ҳамда электр энергияси

«Ақшақўл», «Қирққиз», «Гулдур-син», «Сарабий» каби қишлоқ ва овулларда ҳам қурилиб, шинам шарҳчалар бунёд этилади. Туманда бешта коллеж мавжуд. Қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар кол-

Юрт манзаралари



Тиниб-тинчимас кишилар

қишлоқ ва овулларни, ўз турмушини обод ва фаровон этмоқда

билан таъминлаш, янги йўللар қуриш, эскиларини таъмирлаш-га, бир сўз билан айтганда, обо-дончилик ва фаровонликка алдо-ҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидида 8,5 км. асо-сий ва 2,6 км. ички йўллар бар-по этилди. 4 км. табиий газ, 9,6 км. ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди.

лежи, тиббиёт коллежи, санъат коллежи, Бўстон ижтимоий-иқтисодий коллежи, Сарабий қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежи шулар жумласи-дандир. Уларда нафақат эллиқ-альалик, балки тўртқўллик, беру-нийлик, амударёлик йигит-қизлар ҳам таълим олмоқда. Санъат са-ройи, Амфитеатр, Улқашнослик музейи аҳоли хизматиди.

Янги иш ўринлари очил-ган кичик корхоналар ташкил этилди, натижада 38 та янги иш ўрни очилди. Маҳаллий хо-машёдан қурилиш материаллар ишлаб чиқариш соҳасида эса 78 иш ўрни яратилди.

— Таълимни тарбиядан, тарбия-ни эса таълимдан ажратиб мум-кин эмас, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Нурмуҳаммад Машарипов. — 2004-2009 йилларда мактаб таъ-лимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури асосида 28 та мактаб мураккаб реконструк-ция қилинди, 23 та мактаб эса тубдан қайта таъмирланди. Спорт заллари, спорт майдончалари за-монавий талаб асосида реконст-рукция қилинди.

боғчасига 1600 дан кўпроқ кич-кинтой жалб қилинган. Амир Темур номидаги «Бота-ника» боғида бўлсангиз, бу сулим маскан биологларнинг илмий марказига айланганини кўрасиз. Боғнинг умумий май-донди 43 гектар. Унда дунёнинг турли бурчларидан олиб ке-линган ўсимлик ва буталар, да-рахт ва гуллар парварииш қилин-моқда. Айниқса, Канада клени, «Сарабий», «Тоза боғ», «Амиро-бод» овулларида янги мактаблар барпо этилдики, улар фарзанд-ларимиз таълим-тарбиясига хиз-мат қилмоқда.

ти тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари ва ихтисослаштирилган марказ-ларнинг профессор-ўқитувчилари тиббий хизмат сифатини ях-шилашда уларга яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳар битта қишлоқ врачлик пунктига ҳар кун 60-70 кишининг мурожаат қилиши врачлик пунктлари халқимиз ишончига сазовор бўлганини кўрсатади. Тумандаги мавжуд 19 та қишлоқ врачлик пунктла-рининг моддий-техник базаси «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича муста-ҳкамлангани, уларнинг қошида дорихона филиаллари ташкил этилгани бу соҳа тараққиёти-дан далолат беради.

Айни пайтда туманда 19 та бо-лалар боғчаси ишлаб турибди. Ўтган йили «Дўстлик», «Қирққиз» овулларида 50 ўринли 2 та бо-лалар боғчаси қуриб ишга ту-ширилди. Туман бўйича болалар

Эллиққалъа Қорақалпоғистон Республикасининг энг кенжа, истиқболи порлоқ тумани. Бун-дай дейишимизга асос — эл-лиққалъалиқлар янгиликка ўч, ободликни қадрловчи, тиниб-тинчимас халқ. Ору-ҳаваслари-ни рўёбга чиқариш учун тол-май курашиб, қўли бўстонга айлантирган жасоратли одам-лар. Ҳалол ва мардона меҳна-ти билан ўз гўшасини, турму-шини обод ва фаровон этаёт-ган халқ.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Publication details including contact info, ISSN, and subscription rates.